

**Қаюмов Абдухаким Абдухамидович,**  
 Ўзбекистон Миллий университети  
 «Иқтисодиёт» факультети «Минтақавий  
 иқтисодиёт» кафедраси профессори,  
 география фанлари доктори, профессор;  
**Адилов Ботир Болтабаевич,**  
 Ўзбекистон Миллий университети  
 «Иқтисодиёт» факультети «Минтақавий  
 иқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод  
 фанлари номзоди, доцент

# ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА УНИНГ БУГУНГИ МАВҶЕИ

УДК:338.91 (5754:1)

## ҚАЮМОВ А.А., АДИЛОВ Б.Б. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА УНИНГ БУГУНГИ МАВҶЕИ

Мақолада «Иқтисодий география» фанининг мазмун ва моҳияти, аҳамияти, бугунги кундаги мавҷеи ва ривожланиши таҳлил қилинган. Иқтисодий географиянинг худудий хусусиятлари ўрганилган.

Таянч иборалар: география, иқтисодий география, минтақа, дифференциация, ижтимоий география.

## КАЮМОВ А.А., АДИЛОВ Б.Б. ПРЕДМЕТ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ И ЕГО СЕГОДНЯШНИЙ СТАТУС

В статье анализируются сущность и значение экономической географии, ее роль и развитие на нынешнем этапе. Изучены региональные особенности экономической географии.

Ключевые слова: география, экономическая география, регион, дифференциация, социальная география.

## KAYUMOV A.A., ADILOV B.B. SUBJECT OF ECONOMIC GEOGRAPHY AND ITS CURRENT STATUS

There is analyzed in the article the essence and significance of economic geography, its role and development on the current stage. The regional features of economic geography are studied.

Keywords: geography, economic geography, region, differentiation, social geography.

**Кириш.** География фанининг бугунги кундаги мавқеи күпинча қарама-қарши фикр мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Бир томондан, географиянинг, айниқса, иқтисодий географиянинг, кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, ижтимоий мақоми унинг мавжуд салоҳиятига тўғри келмай қолди. Иккинчи томондан, жамиятда индустрIALIZация ва урбанизация жараёнларининг ниҳоятда илдамлашиб кетиши оқибатида ўнлаб мегаполислар ҳозирги вақтда амалда бошқариб бўлмайдиган ҳолатга тушиб қолган. Бангладеш, Нигерия, Мексика, Ҳиндистон, Бразилия каби ривожланаётган мамлакатларда вужудга келган Мумбай, Колката, Дакка, Жакарта, Лагос, Мехико, Рио-де-Жанейро ва бошқа шу каби шаҳарларнинг шаклланиши дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик, геосиёсий вазиятларни тобора мураккаблашиб, чуқурлашиб бораётган ҳолатга олиб келди. Бу жараёнлар географиянинг, шу жумладан жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини тадқиқ қилувчи иқтисодий ва ижтимоий географиянинг вазифаларини кўпайиб, чигаллашиб кетганинидан далолат бермоқда.

Биз қандайдир тараққиёт босқичида турибмизки, бунда янги миқёсли вазифалар доирасида табиатни ҳали тўлалигича тушуниб ета олмаяпмиз. Булар билан алоқадор ҳолда фанда эришган ютуқларимизни бугунги назарий билимларимиз таҳлил қилишга ултурмаяпти. Фандаги дифференциация жараёнлари ҳануззагача унда юз бераётган интеграция жараёнларидан устунлик қилмоқда.

Фикримизча, дифференциация барча фанларда миқдор ўзгаришларини келтириб чиқарувчи жараён, интеграция эса сифат ўзгаришлари билан боғланган бўлиб, у фанга алоқадор ҳар қандай жараён ичидаги ўзгаришларни, фан тараққиётида янги тенденцияларни аниқлаб беради. Буларнинг барчаси даставвал тобора тезлашиб кетаётган фан-техника тараққиёти билан алоқадор тарзда амалга ошади. Айни пайтда географияда муаммоли ёндашув кучайиб бормоқда. Бирор-бир воқеа ёки ҳодисани тадқиқ этишда география билан ёнма-ён бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳам иштирок этмоқда. Яъни индустрIALIZация ёки урбанизация жараёнларини тадқиқ этишда география билан бир вақтда иқтисодиёт фанлари, фалсафа, социология, психология, экология каби фанлар узвий тарзда иштирок этмоқда. Лекин барibir география, даставвал иқтисодий география жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини ўрганувчи фан сифатида мазкур тадқиқотда асосий ролни ўйнамоқда.

Интеграция жараёни фанга янгича, нисбатан кенг қарашни, бунда фан қамровидан фалсафий қамровга ўтишни, янги парадигмаларни ахтариб топишни талаб қилмоқда.

Кўп йиллар мобайнида дифференциация жараёни туфайли географияда ҳам жуда кўп фанлар пайдо бўлган (иқлимшунослик, геоморфология, гидрология ва б.). ана шундай дифференциация иқтисодий география ичидаги ҳам амалга ошган. Унда ҳам қатор янги фанлар – аҳоли географияси, саноат географияси, транспорт географияси ва бошқа фанлар вужудга келди.

Дифференциация жараёни география фанлари тизимининг иккى табиий география ва иқтисодий география ўртасидаги фарқларнинг кучайишига сабаб бўлди. Улар фақат айрим пайтларда ғояларнинг умумийлиги ёки бир-бирига яқинлиги эмас, балки факультет ёки институт (университет) доирасидаги умумий тадбирлар туфайли бирлашар эди.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Маълумки, «географик мұхит» тушунчаси география фанининг асосий обьекти бўлган табиий-ижтимоий комплекс ҳисобланади. Шу ўринда қатор олимларнинг сўзларини келтириш ўринлидир.

Ирик географ файласуф олим Н.К.Мукитанов «Географик фанларни тизимлаштириш иккى асосдан, субектив-объектив муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиши лозим», деб таъкидлаб ўтган. Бошқа машҳур олим, академик Б.М.Кедров географияни «оралиқ» фанлар қаторига киритган. «Оралиқ» фанлар доирасида табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро узвий алоқадорлиги мавжуд бўлиб, биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам бир фаннинг турли томонлари сифатида фаолият кўрсатишими эътироф этган.

Болтиқбўйилик олим Э.Мересте шундай ёзади: «География табиий фан эмас, ижтимоий фан ҳам эмас. У иккى фанлар қобиғи доирасида жойлашган бўлиб, табиий-ижтимоий фандир». Шундай қилиб, география ичидаги интеграция давом этаётган бундай ҳолатни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳаётий талаб зарур бўлган назарий умумлаштиришларни ортда қолдирмоқда. Иқтисодий география ижтимоий фан, лекин у географик фанлар комплексининг ажралмас бир бўлаги ҳамдир. Иқтисодий география ишлаб чиқаришни ҳудуд бўйича жойлаштиришда, районлаштириш (худудларга туркумлаштириш) назарияси асосида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатиши ҳамда ушбу тизимларни бошқариш жараёнларини тадқиқ этишда фаол иштирок этади. Ундан ташқари, иқтисодий географларнинг тадқиқот натижаларидан бошқа фанлар, шу жумладан, минтақавий иқтисодиёт фани ҳам фойдаланади. Маълумки, ҳар қандай фан ўзига тегишли асосий тушунчага маҳсус ёндашуви орқали эришади, шаклланади, ривожланади. Иқтисодий географияда даставвал фан номи тадқиқот обьектининг кенгайтирилиши ҳисобига

ўзгарди. Энди мазкур фан «Иқтисодий ва ижтимоий география», «Ижтимоий ва иқтисодий география» ва бошқа номлар билан юритилади. Шу ерда ҳар қандай фанга хос тадқиқот обьекти, предмети ва мазмунини бир-биридан фарқ қилишини айтиб ўтиш зарур. Объект доимо предметга нисбатан кенгроқдир. Тадқиқот мазмуни фан предмети томонидан белгиланғандан кенгроқ бўлиши ҳамда «объект» тушунчаси доирасида келтирилган таърифдан фарқ қилиши мумкин. Кейинги йилларда иқтисодий географияда «жамиятнинг ҳудудий ташкил этилиши» тушунчасидан борган сари кенг фойдаланилмоқда. Агар биз иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот обьекти сифатида ушбу тушунчани қабул қилсак, унда унинг предмети бўлиб жамиятнинг ҳудудий ривожланиши белгилаб берадиган ҳудудий боғлиқлик ва ўзаро алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши қонунлари ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳудудий боғлиқлик ҳамда ўзаро алоқадорлик иқтисодий ва ижтимоий география обьекти ва предметининг асосий элементлари ҳисобланади. Улар «ҳудудий ташкил этилиш», «ҳудудий тизим», «ҳудудий таркиб» каби тушунчалар билан узвий алоқадордир. Бу ерда «ҳудудий ташкил этилиши» тушунчаси «ҳудудий тизим» ва «ҳудудий таркиб» тушунчаларидан кенгроқ эканлигини айтиб ўтиш зарур. «Ҳудудий тизим» ўз навбатида «ҳудудий таркиб»дан кенгроқдир. Мазкур тушунчаларнинг шаклланишида энг муҳим жиҳат - тизим ҳосил қилувчи алоқанинг мавжудлигидир. «Таркиб» тушунчаси алоқалар мавжудлигидан далолат беради. Лекин ушбу алоқалар ўзига тегишли элементлар ўртасида мавжуд бўлади. «Тизим» тушунчасида дикқат эътибор жами ички ва ташки алоқалар бўйича тўпланади. Айнан тизимли тасаввурлар Н.Н.Колосовский томонидан яратилган ишлаб чиқариш ҳудудий комплекслар (ИЧХК) концепцияси асосини ташкил этади. ИЧХК русча ПТК (производственно-территориальный комплекс) концепцияси Н.Н.Колосовский томонидан мамлакат ҳудудини иқтисодий районлаштириш (ҳудудларга туркумлаштириш) мақсадида ўрганишнинг асосий методи сифатида таклиф қилинган эди. Шу ерда ПТК иқтисодий райондан мазмуни бўйича кенгроқ, ҳажми бўйича эса торроқ эканлигини тўғри таъкидлаб ўтган О.И.Шаблий ғоясини эслаб ўтиш зарур. ПТКнинг иқтисодий самараси районнинг табиий ва иқтисодий шароитларига мос ҳолда танлангани ва жойлаштирилганлиги билан боғлиқ. ПТК ҳақидаги таълимот ҳамда унинг қатор категориялари ҳозирги тизимли ёндашув умумметодологик ғоялари ва тушунчаларига жуда яқин, деб таъкидлаган А.А.Минс.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда

иқтисодий ва ижтимоий география тўғрисида қўйидагиларни айтиш мумкин:

– иқтисодий география-ижтимоий-иқтисодий географиянинг йўналиши бўлиб, у одамлар ва ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларининг ҳудудий жараёнларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги нуқтаи назардан тадқиқ этади. Иқтисодий географиянинг тадқиқот обьектлари бўлиб ҳалқ ҳўжалигининг ҳудудий таркиби ҳамда унинг энг муҳим элементлари – иқтисодий район (туман), ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси, саноат тугуни, ривожланиш қутби ва бошқа ишлаб чиқариш шакллари ҳамда аҳоли жойлашуви шакллари ҳисобланади;

– ижтимоий география иқтисодий-ижтимоий географиянинг йўналиши бўлиб, у одамлар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши шаклларининг ҳудудий жараёнларини, энг аввало, инсон, унинг меҳнати, турмуши дам олиши, шахснинг ривожланиши ва ҳаётнинг тақрор барпо қилиниши нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Ҳалқ ҳўжалигининг энг муҳим элементи, иқтисодий туман (район) – мамлакат ҳалқ ҳўжалигининг ҳудудий бир бутун қисмидир. Туман (район) ихтинослашганлиги, комплекслиги ва уни бошқариш мумкинлиги билан ажралиб туради. Унинг асоси бўлиб, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси хизмат қиласи.

Иқтисодий районлаштириш, энг аввало, ишлаб чиқаришни, табиий шароит ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Узбекистонни иқтисодий туманлаштиришда иккита ёндашувдан фойдаланилади. Биринчи ёндашувда иқтисодий туман билан республиканинг маъмурӣ ҳудудий бўлаги бир деб қабул қилинади. Иккинчи ёндашув тарафдорлари республика иқтисодиётини 6 та минтақага тақсимлаб ўрганишни таклиф этишади. Ушбу ёндашувга биноан республикада қўйидаги минтақалар ажратилган:

I. Тошкент, унинг таркибида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мавжуд.

II. Фарғона таркибида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари жойлашган.

III. Мирзачўл таркиби Жizzах ва Сирдарё вилоятларидан иборат.

IV. Зарафшон таркибида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари мавжуд.

V. Жанубий - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ташкил топган.

VI. Қуий Амударё таркиби Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан иборат.

Тошкент ва Фарғона минтақалари сув ва ер ресурслари билан нисбатан яхши таъминланган. Қуий Амударё ва Зарафшон минтақалари қониқарли, Мирзачўл ва Жанубий минтақалар қониқарлидан сал яхшироқ таъминланган. Барча

мintaқалар миқдоран мөхнат ресурсларига бой. Лекин уларнинг сифати турлича. Тошкент, Фарғона ва Зарафшон минтақаларида сифат яхши.

Ўзбекистон минтақалари минерал ресурслар билан бирмунча яхши таъминланган. Ёқилғи ресурсларидан кўнгир кўмир Тошкент минтақасида яхши захирага эга. Тошкўмир Жанубий минтақада мавжуд, у маҳаллий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда нефть оз миқдорда Жанубий (Қашқадарё вилояти), Фарғона ва Зарафшон минтақаларида қазиб олиниди. Табиий газнинг йирик конлари Жанубий (Қашқадарё вилояти) ва қуий Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) минтақаларида топилган. Республикада қора металларнинг рудалари деярли мавжуд эмас. Қора металлургия иккиламчи хом ашёда ишлайди. Шу билан бир вақтда рангли металларнинг турли хил рудалари учрайди. Мис, қўрғошин рух - Тошкент, Жанубий, Зарафшон минтақаларида; олтин Зарафшон, Тошкент, Фарғона минтақаларида топилган.

Мамлакат ош, калий ва фосфор тузларига ҳамда турли хил қурилиш материаллари (мармар, гранит ва б.)га бой. Буларнинг барчаси мамлакатда турли ихтисосга эга минтақаларнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминламоқда. Бу ва бошқа жиҳатлар республикада иқтисодий районларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминламоқда. Чунки ҳар бир минтақа унинг ўзига хос ихтисослашувга, комплекс ривожланиш йўналишига, бошқарувнинг айрим элементларига эгаки, бундай ҳудудни иқтисодий район деб аташ асослидир.

Ўзбекистонда ҳар бир минтақа ўзига хос демографик ва урбанистик салоҳиятга эга. Аҳоли сонига биноан Фарғона минтақаси пешқадамлик қиласи. Унга жами доимий аҳолининг 28,6 фоизи тўғри келади. Мазкур минтақа доирасида эса Фарғона вилояти етакчилик қиласи. Ундан кейинги ўринларни Андижон ва Наманганд вилоятлари эгаллайди.

Республика миқёсида доимий аҳолининг сонига кўра Зарафшон минтақаси иккинчи ўринни эгаллайди (20,1%). Ундаги Самарқанд вилояти Ўзбекистон бўйича доимий аҳолининг сони ва салмоғига кўра етакчилик қиласи (11,4%). Доимий аҳолисининг сони ва салмоғига биноан Тошкент минтақаси тўртинчи ўринда туради. Бу ерда республика доимий аҳолисининг 16,4% жойлашган. Шундан 7,6% Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Навбатдаги учинчи ўринни Жанубий минтақа эгаллайди. Унинг ҳиссасига республика доимий аҳолисининг 17,2% тўғри келади. Ушбу минтақа аҳоли сонининг ўсиш суръатларига кўра республикада етакчилик қиласи. Бунинг натижасида минтақа 5-6 йил олдинги тўртинчи ўриндан учинчи ўринга кўтарилиди.

Ўзбекистонда доимий аҳолининг сонига кўра бешинчи ўринда Жанубий Амударё минтақаси жойлашган. Бу ерда республикада мавжуд аҳолининг 11,2 %и истиқомат қиласи. Аҳолининг сони ва салмоғига биноан республикада энг кичик минтақа мақомини олган Мирзачўл минтақасида доимий аҳолининг 6,5% тўпланган. Ушбу минтақа доимий аҳолисининг учдан бир қисми XX асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистоннинг бошқа, асосан, аҳолиси зич Фарғона водийси вилоятларидан янги ерларни ўзлаштириш мақсадида кўчиб келган ёки ташкилий равишда кўчирилган. Уша даврларда ҳозирги Бандлик ва мөхнат муносабатлари вазирлиги ана шу вазифа билан самарали шуғулланган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда, айниқса XXI асрнинг дастлабки йилларида урбанизация жараёни кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Тарихда аҳоли манзилгоҳларининг турли хил типларга бўлиниши биринчи йирик ижтимоий мөхнат тақсимоти билан боғланган. У авваламбор индустрисал ва савдо мөхнатини қишлоқ хўжалигидаги мөхнатдан ажralиб чиқиши ва шу аснода шаҳарни қишлоқдан алоҳида бўлишига олиб келди.

**Тадқиқотнинг асосий натижалари.** Аҳоли манзилгоҳларининг мана шундай алоҳида-алоҳида ривожланиши ҳозирги кунгача сақланиб қолди. Шаҳар аҳоли пунктлари ўз навбатида икки асосий тип шаҳар ва шаҳар посёлкаларига (шаҳарчаларга) тақсимланади. Жаҳон мамлакатларида шаҳар ва шаҳарчага талаблар асосида мезонлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон давлати мустақиллигининг дастлабки даврида шаҳарга қўйиладиган мезонлардан фақат мутлақ аҳоли сони билан боғланган кўрсаткич ўзгартирилди. Унга биноан шаҳар деб, аҳолисининг сони 7 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пункти аталади<sup>1</sup>. Худди шунингдек, шаҳар посёлкаси (шаҳарча) деб аҳолисининг сони камида 3 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пункти ҳисобланади<sup>2</sup>. Энди асосий мезон функционал таркиби тўғрисида гапирадиган бўлсак, шаҳарда банд аҳолининг камида 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлмаган тармоқларда банд бўлиши лозим. Шаҳарчаларда ушбу кўрсаткич 1/2 қисмдан кам бўлмаслиги назарда тутилган<sup>3</sup>.

Юқоридаги мезон талабларига жавоб бермайдиган аҳоли пунктлари қишлоқлар қаторини ташкил этади. Ўзбекистонда 2019 йилнинг 1 январига

<sup>1</sup> География ва глобализация: Назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция. Андижон, 2018 йил 21 май.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Уша жойда.

кўра, 119 шаҳар, 1085 шаҳарча, 1470 қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 11 мингдан ортиқ қишлоқ мавжуд.

Шаҳарлар қўйидаги турларга бўлинган:

I. Жуда йирик (миллионер) шаҳарлар – Тошкентга (2,4 миллион) республика шаҳар аҳолисининг 15,0%и (100 мингдан ортиқ) тўғри келади.

II. Йирик шаҳарлар – Самарқанд (500,9 минг) – 3,1%.

III. Жуда катта шаҳарлар (5 та) – Наманган, Фарғона, Нукус, Бухоро (250-500 минг) – 11%.

IV. Катта шаҳарлар (12 та) - Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Қўйқон, Марғилон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Шаҳрисабз, Урганч (100-250 минг) – 12,4%.

V. Ўрта шаҳарлар (20 та) (50-100 минг).

VI. Кичик шаҳар (82 та) (50 минг кишигача).

VII. Шаҳарчалар – (1085 та) шаҳар аҳолисининг 38% тўпланган.

Шаҳар аҳолисининг сони 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 16,7 миллион (50,6%). Ўзбекистонда кейинги йилларда урбанизация жараёни суръатларини илдамлаштириш ва унинг даражасини республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасига мувофиқлаштириш масаласига устувор аҳамият берилиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 марта «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурӣ-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 68-сон қарори муҳим қадам бўлди. Унга биноан Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд 113 та шаҳарчанинг сони қўшимча 972 тага кўпайтирилди ва 1085 га етказилди. Бунинг натижасида шаҳар

аҳолисининг сони 2008 йилда 9,7 миллион кишидан 2009 йилга келиб 14,2 миллион кишини ташкил этди, улуси эса 35,8 фоиздан 51,6 фоизгacha ошди. Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолисининг сони 16,7 миллион кишига, салмоғи 50,6%га етди.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодий географияга жиддий аҳамият бермасак, иқтисодиётнинг тизимили ва мутоносиб ривожланишидаги баъзи бир салбий жараёнлар юз бериши мумкин. Иқтисодий география пайдо бўлганига (географиядан фарқли) атиги 400-450 йил бўлди. Ижтимоий-иқтисодий географиянинг йўналиши бўлган иқтисодий география, энг аввало, инсонлар ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкил этишни ва жараёнларни макон доирасида, яъни ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Унинг тадқиқот обьектлари бўлиб халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби, унинг энг муҳим элементлари – иқтисодий туман, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси, саноат тармоқларининг ривожланиши ҳамда аҳоли, унинг жойланиши (тақсимланиши) шакллари ҳисобланади. Иқтисодий география фани тармоқларнинг жойлашиши хусусиятлари ва қонуниятларини, саноат географияси, транспорт географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, хизмат кўрсатиш соҳаси географияси ва бошқа шунга ўхшаш фанларни ўрганади. Иқтисодий географияни ижтимоий (инсон географияси) география билан бирга ўқитиш лозим. Айнан мана шундай ёндашув географияни асл ҳолига келтириб тўлақонли тарзда ўқитиш имконини беради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каюмов А.А. Шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг минтақа ривожланишидаги аҳамиятини тадқиқ этишнинг илмий асослари, география ва глобализация: Назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция. Андижон, 2018 йил 21 май.
2. Малый город. Монография. / Ответственный редактор Б.С.Хорев. - М.: Издательство МГУ, 2017.
3. Джонстон Р.Дж. География и географы. - М.: «Прогресс», 2017.
4. Покшишевский В.В. Население и география. - М.: «Мысль», 2016.